



**XX АСРНИНГ 20-30 ЙИЛЛАРИДА ҚИЗИЛ ЧОЙХОНАЛАРНИНГ
ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ**

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-36>

**Нарманов Феруз Асфандиёрович,
Самарқанд давлат университети таянч докторанти**

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада XX асрнинг 20 йилларидан бошлаб маданий-маърифий муассасалар орасида асосий ўринга кўтарилган қизил чойхоналарнинг иқтисодий аҳволи ёритиб берилган. Қизил чойхоналар учун ажратилган маблағларнинг манбалари, давлат томонидан ушбу муассасага кўрсатилган иқтисодий шароитлар ва уларнинг тижоратга асосланган фаолияти мавзуга доир адабиётлар ва архив манбалари асосида ўрганилган.

Калит сўзлар: ижара солиғи, клуб, чойхона, маданий-маърифий муассаса, қизил бурчак, маҳаллий бюджет, тижорат, йўриқнома, ташвиқот, анъанавий чойхона.

**ЭКОНОМИЧЕСКОГО ПОЛОЖЕНИЕ КРАСНОЙ ЧАЙХАНЫ
В 20-30 ГОДЫ XX ВЕКА**

**Нарманов Феруз Асфандиёрович,
базовый докторант
Самаркандский государственный университет**

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещено экономическое положение красной чайханы в которое заняло первое место среди культурно-просветительских учреждений в 20 годах XX века. Источники выделенного средства для красных чайханы, оказанную государственную помощь для таких учреждение и их коммерческий основанную деятельность исследован с помощью источников и архивному материалам.


Ключевые слова: арендная плата, клуб, чайхана, культурно-просветительское учреждение, красные уголок, местный бюджет, коммерция, инструкция, пропаганда, традиционная чайхана.

**ECONOMICAL POSITION OF RED TEAHOUSE IN 20-30 S
OF XX CENTURY**

**Narmanov Feruz Asfandiyorovich,
doctorate student of Samarkand State University**

ANNOTATION

In given article is researched an economic situation red chayxani which has taken the first place among cultural-educational establishment in 20 years of the XX-th cen-




ture. Sources allocated for red chayxani, the rendered state help for such establishment and their commercial based activity is investigated by means of sources and archival materials.

Key words: rent tax, club, teahouse(chayxana), cultural-educational establishments, a red corner, the local budget, commerce, the instruction, the propagation, traditional teahouse (chayxana).

Тарихдан маълумки, ўзбек халқининг миллий-маданий анъаналарида чойхоналар ўзига хос аҳамият касб этиб келган. XX асрнинг 20 йилларидан бошлаб большевиклар ҳукумати маҳаллий аҳолининг анъанавий чойхоналаридан ўз сиёсий мақсадларида фойдалана бошлади. Клуб, қизил бурчак ва кутубхона каби қизил чойхоналар ҳам маҳаллий аҳоли орасида ташвиқот олиб боришнинг ўзига хос амалий ишлар майдонига айланди.

XX асрнинг 20-30 йилларида қизил чойхоналарнинг қандай фаолият олиб бориши унинг иқтисодий шарт-шароитларига бевосита боғлиқ эди. Қизил чойхоналар фаолият тарихида тадқиқ этилаётган даврда тижорат ишлари учун объект вазифасини ўтаганлиги унинг иқтисодий жиҳатдан қандай кункечирганлигини кўрсатиб туради. Қизил чойхоналар тарихи билан боғлиқ ҳужжатларнинг кўрсатишича чойхоналар маданий-маърифий бошқарма ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ташкил қилинганлигини кўрамиз. Биринчи навбатда қизил чойхона қайси муассаса қошида ташкил этилган бўлса, унинг сметаси шу ташкилотга мос равишда тузилган. Чой сотиш орқали топилган маблағ ва турли йиғилган пуллар чойхонанинг даромад қисмини ташкил этган. Чойхоналарнинг ички даромадларидан йиғилган маблағнинг 30% қисми ходимлар маошига, 20%гача бўлган қисми қизил чойхона жойлашган бинони тузатиш ишларига, маблағнинг қолган қисми маданий-маърифий ишлар учун сарф этилиши кўзда тутилган эди. Қизил чойхона маблағини турли бошқа мақсадларда ишлатиш таъқиқланган[1.33].

1921 йил март ойида РКП(б)нинг X съездида[2.179] расмий қабул қилинган янги иқтисодий сиёсатнинг бошланиши қизил чойхоналар иқтисодий аҳволига қаттиқ зарба бўлди. Муассасалар бюджет ҳисобида ажратилган маблағларнинг миқдори камайтирилди ва қизил чойхоналар учун ижара солиғи жорий қилинди. XX асрнинг 20 йилларида маданий-маърифий ишлар бошқармаси маблағ танқислигини қизил чойхона ижара солиқларини кўпайтириш орқали бартараф этиш йўлига ўтади. Маҳаллий аҳоли томонидан хусусий чойхона очиш борасида келиб тушган жуда кўплаб сўровларга ижобий жавоб бериш бошланди. Шундай шароитда маблағ танқислиги боис маданий-маърифий бошқарма ўз бюджет ҳисобини чойхона очувчилар ҳисобига тўлдиришга эътибор қаратди. Бош маданий-маърифий кенгаш хусусий қизил чойхоначиларга рухсат бериш хусусида сўров чиқарди. Бош маданий-маърифий кенгаш қошидаги қишлоқлар бўйича бўлим мазкур сўров бўйича қуйидагиларни тушунтирган эди: хусусий қизил чойхоналар очилганда тадбиркор ким билан шартнома тузиш, савдо қилиш ҳуқуқи олишда маданий-маърифий кенгашга ойига 70 рубль тўлаши керак. Маданий-маърифий кенгаш




тўланган маблағнинг 60 рублга яқинини қизил чойхона мудирига ва 10 рублни газета обунасига сарфлайди[3.47].

Мазкур даврдамаданий-маърифий бошқарма томонидан Тошкент шаҳрининг Ниёзбек кўчаси 1-уй ва Солор дарёси бўйидаги Пушкин кўчасида жойлашган уй туман молия инспектори томонидан ёпилиб муҳрланган эди. Бунинг асосий сабаби Тошкентнинг эски ва янги шаҳар қисмида маданий-маърифий фаолият олиб бораётган қизил чойхоналарни қолдириш, тижорат принципларини ўзида сақлабкелаётганларини ёпишни назарда тутарди[4.184]. Хусусий ва қизил чойхонанинг мос равишда солиқ тўлови билан боғлиқ масала Самарқанд вилоятида кузатилган бўлиб, бу маълумотлар нафақат қизил чойхоналар иқтисодий шароити балки, маданий-маърифий ишларнинг бориши ҳақида ҳам гувоҳлик беради. Вилоятдаги клуб ишлар раҳбарияти маърифий ишлар таъсир доирасисиз мустақил тарзда ишлай олмаган. Вилоятда қизил чойхоналарнинг кўплигига қарамасдан уларда иш жараёни тўхтаб қолганди. Вилоятдаги қизил чойхоналар аксарият қоғозда мавжуд бўлиб, амалда уларнинг кўпчилиги фаолияти тўхтаган эди. Қизил чойхона ва хусусий чойхона ўртасидаги фарқни англаш қийинлигининг асосий сабаби уларда вилоят маданий-маърифий бошқармасининг таъсири камлигида эди[4.248].

Қизил чойхоналар олдидаги асосий маблағ йиғини бу уларнинг ижара солиғи учун сарфланган. Қўшчи иттифоқи қарамоғида очилган қизил чойхоналарнинг солиқ тўлови ҳомийлик ҳисобидан дарҳол тўланиб борган. Аксарият қизил чойхоналари эса солиқлардан озод қилинган. Тошкент шаҳрининг Кафанова кўчасидаги 10-уйда жойлашган Қўшчи иттифоқининг қизил чойхонаси №6404 сонли қарор билан солиқдан озод қилинган эди. Қўшчи иттифоқи вакиллари солиқлардан озод қилиш ишларини қизил чойхоналар диққатини бу ерда талабалар ўқиши ва оғзаки суҳбатлар орқали ташкил этиладиган маданий-маърифий тадбирлар учун қаратилганлиги, бу шароитда қизил чойхоналар доимий иш билан банд бўлиши лозимлиги билан изоҳлайди. Яъни Қўшчи иттифоқининг асосий тарғибот курули қизил чойхона воситасида амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин эди[4.153].

1925 йилга келиб қизил чойхоналар бюджетини мустаҳкамлаш мақсадида барча қизил чойхоналар №22906 сонли буйруқ билан солиқлардан озод қилинган эди[5.56]. Шундай бўлишига қарамасдан маблағнинг етишмаслиги 1925 йилда волостлардаги қизил чойхона тармоқларида ишларни олиб бориш имконини бермаган. 1926 йилдан эътиборан эса маълум мақсадлардан келиб чиққан ҳолда қизил чойхоналар ойда икки марта бепул хат ва почта орқали киноленталар жўнатиш имтиёзига эга бўлган эди. Мавжуд қизил чойхоналар маҳаллий бюджет ҳисобидан ўз фаолиятларини олиб борди. Ўз навбатида волостлардаги маҳаллий бюджет миқдори доим ҳам қизил чойхоналарнинг барчасини тўлиқ равишда маблағ билан таъминлаш имконига эга эмас эди. Чунки, 1924 йилда қишлоқ ва деҳқонлар ўртасида маданий тарғиботни кучайтириш мақсадида ҳар бир йирик қишлоқда биттадан қизил чойхона бўлиши керак деган масала ўртага ташланган эди. Шу билан бирга волостлардаги қизил чойхоналардаги ишчилар учун 1

штат бирлигини ажратиш лозим бўлган ва волост қизил чойхонасининг бошқа сарф-ҳаражатлари ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг оталиғи ҳисобидан қопланиши назарда тутилган эди[6.146]. Шунингдек, маданий-маърифий бошқарма қишлоқлардаги турли оталиқ ташкилотларнинг маблағларини қизил чойхоналар учун йўналтиришга рухсат олишда маблағ етарли бўлган шароитда эса муассасалар учун сметада кўрсатиб ўтилган 3 штатдаги ходимларнинг тайёргарлик ва тажрибаси етишмасида штат бирликларини тўлдириб бориш йўлини тутган. Тажрибасиз ходимлар иш фаолиятининг натижасида эса қизил чойхонада тижорат ишлари авж олганлиги архив ҳужжатларидан маълум бўлган. Большевиклар ҳукуматининг 1928 йил май ойида бўлиб ўтган III пленуми маданий-маърифий ишларини кучайтириш масаласини кўриб чиқиб “Ўзбекистондаги қизил чойхоналарни бирлаштириш ҳақида низом”ни қабул қилди[7.53]. Шу йилнинг 3 ноябридаги республика сиёсий-маърифий кенгашининг биринчи мажлисида бир қатор амалий тадбирлар режаси белгилаб берилди. Бундаги асосий тадбир 1928-1929 йилларда қишлоқлардаги маданий-маърифий ишларга маблағ ажратишни кўпайтириш вазифаси белгиланади. Бундан кўзланган асосий масала қизил чойхоналар тармоғини туманлардаги жамоа хўжаликнинг маҳаллий бюджети ҳисобидан кенгайтириш лозим эди. Ўз навбатида қизил чойхона амалий ишлари билан хўжалик учун агро тарғиботни уюштириш, хўжалик солиғи ҳақида тушунча бериши, дала ишлари кампанияси даврида асосий тарғиботчи вазифасини бажариши билан бир-бирига иқтисодий ва амалий ишлар воситасида боғлаб қўйилган. Айти пайтда маҳаллий бюджет таркиби бўйича барча маданий-маърифий муассасалардаги тадбирларга маблағ ажратиш йиллар бўйича куйидаги кўринишда бўлган: 1926-27 йилларда 350 200 рубль, 1927-28 йилларда 906 161 рубль, 1928-29 йилларда 1675 316 рубль [7.54] ҳисобида эди. Бунда асосий эътибор туманларда янгидан ташкил этилаётган жамоа хўжаликлари маҳаллий бюджети ҳисобидан кенгайтиришга қаратилган. Шунингдек жойлардаги моддий жиҳатдан кам таъминланган қизил чойхоналар қисқартирилиб, унинг ҳисобида бўлган мавжуд маблағ сақланиб қолинган қизил чойхона фаолиятини ривожлантириш, уни иш қуроллари билан таъминлаш учун йўналтирилган эди. Қизил чойхоналарнинг иқтисодий таъминотидаги яна бир жиҳат қизил чойхона учун биноларни ижарага олиш, ижара тўлови маблағлари билан боғлиқ эди. Самарқанд шаҳрининг эски шаҳар қисмидаги Регистон кўчасида жойлашган бир қанча қизил чойхоналар ўз ижара ҳақларининг ниҳоятда юқорилиги боис уни камайтириш масаласида шаҳар молия бошқармасига илтимоснома жўнатган. Бу даврда шаҳар хўжалик бошқармасининг қизил чойхоналар учун ижара солиғи жуда юқори бўлиб, барча қизил чойхоналар ҳам уни тўлаш имкониятига эга бўлмаган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, маданий-маърифий бошқарманинг маданий-маърифий муассасалар учун жорий тўловларни камайтириш ҳақидаги йўриқнома ва кўрсатмалари жойлардаги давлат органлари томонидан бир хилда бажарилган эмас, айрим давлат бошқарув муассасалари ҳам қизил чойхоналарнинг аҳамияти ва ишини ҳисобга олмаган вазиятлар ҳам бўлган. Самарқанд шаҳрининг Боғишамол қисмидаги маҳаллий



аҳоли вакиллари Юлчибоев ва Мансуровлар ҳам ўз даврида бино ижарасининг юқорилиги масаласида юқоридаги ҳолатга дуч келган. Бу даврда қизил чойхона ижарасига берилган бино учун ижара ҳаққи чойхоналар ва шаҳарнинг темир йўл қисми бошқармаси ўртасидаги тузилган шартнома миқдоридан ошиб кетмаслиги керак бўлган. Касаба уюшмасининг Самарқанд шаҳридаги бўлими шаҳарнинг эски шаҳар қисмида касаба уюшмаларининг 160 нафар аъзоси хизмат қиладиган қизил чойхоналарнинг ижара ҳақларини камайтириш масаласида молия бошқармасига бир неча бор мурожаат қилган эди[8.74-75].

1930 йилда бўлиб ўтган республика маданий-маърифий ишлар ходимлари съезди қизил чойхоналар учун савдо, маҳаллий комитет ва хўжалик ташкилотлари ҳисобидан моддий имкониятини бойитиш масаласини кўриб, қизил чойхоналарни клуб ишлари услуби бўйича иш формасига ўтиши ҳал этилган. 30-йиллардан бошлаб тузила бошлаган социал маданият уйлари қизил чойхоналар фаолиятига боғлаб қўйилди. Шу даврдан бошлаб тузилган ҳар қандай чойхона ҳам қизил чойхона деб аталмаган. Фақатгина маданият уйлари томонидан махсус ижозатнома тақдим қилинган қизил чойхоналар тегишли молия жарималаридан озод қилинган. Қизил чойхоналарда сотиладиган чой, қайноқ сув, кечалик ётоқ, нархи ички савдо халқ комиссарлигининг нарх комиссия инспектори маориф ташкилотлари билан биргаликда ишлаб чиқилган махсус қоидага мувофиқ белгиланади. Қизил чойхоналарнинг иқтисодий аҳволини ўрганиш баробарида айтиш мумкинки, иқтисодий таъминотнинг етишмаслиги натижасида жуда кўплаб қизил чойхоналар тўлиқ куч билан ишлай олмаган. Бу энг кўп қайд этилган салбий ҳолат ҳисобланиб, деярли бутун республика ҳудудларида кузатилган эди. Шунингдек, маблағ танқислиги ходимлар етишмаслиги, таъмирлаш ишларининг тўхтаб қолиши, совуқ кунларда печларнинг умуман ёқилмаслигига сабаб бўлган. Иқтисодий шароитнинг яхшиланиши ёки қизил чойхоналарга ажратилган маблағ ҳисобининг ўсиши 1935 йилда ўтказилган маданий-маърифий муассасалар кўрик-танловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида бироз бўлсада жонланди. Гарчи жойлардаги ишлар зўрама-зўраки амалга оширилган бўлсада қизил чойхоналар маълум миқдорда маблағ билан таъминланди[9.56].

Хулоса қилиб айтганда, маданий-маърифий муассасалар таркибида совет даври ташвиқот ишларига тортилган қизил чойхоналарнинг қуйидаги хусусиятлари кўзга ташланади:

- маҳаллий аҳоли орасида совет ҳукумати томонидан амалга оширилаётган сиёсатни тарғиб этишга йўналтирилган бўлсада, маблағ билан таъминлаш масаласи маҳаллий бюджетга боғлаб қўйилди;

- натижада чойхона эгаси бўлган тадбиркорлар ўз иқтисодий таъминотини ушлаб туриш мақсадида бу ерда тижорий фаолиятга катта эътибор берди. Маърифий ишлар ўз-ўзидан иккинчи даражали масалага айланди;

- қизил чойхоналар учун бириктирилган ҳомийлик миқдорнинг етарли даражада бўлмаганлиги натижасида маблағнинг етишмаслиги билан боғлиқ ҳолатлар қизил чойхоналар учун одатий ҳолга айланиб қолди.



Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. ЎзРМДА. 94-фонд, 5-рўйхат, 2701-иш, 33-варақ.
2. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. /Тузувчилар М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камалов ва бошқалар. – Тошкент.: Шарқ, 2000. ; Ўзбекистон тарихи(1917-1991 йиллар). Биринчи китоб. Ўзбекистон 1917-1939 йилларда/масъул муҳаррирлар Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов. Тошкент.: Ўзбекистон, 2019. Б.261.
3. ЎзРМДА. 94-фонд, 1-рўйхат, 209-иш. 47-варақ.
4. ЎзРМДА. 34-фонд.1-рўйхат.1999-иш.184-варақ.
5. ЎзРМДА. 94-фонд.1-рўйхат.209-иш.56-варақ.
6. ЎзРМДА. 94-фонд.1-рўйхат.202-иш.146-варақ.
7. ЎзРМДА. 94-фонд.5-рўйхат.325-иш.53-варақ.
8. ЎзРМДА. 737-фонд. 1-рўйхат.338-иш.74-75-варақлар.
9. ЎзРМДА. 94-фонд.5-рўйхат. 1785-иш.56-варақ.